ТАСДИҚЛАЙМАН

Каттақўрғон шаҳар халк
таълим мудири
Ж.Ахмедов
**2022 йил**

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Каттақўрғон -2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник кисм
3. Нархлар кисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттақўрғон шаҳар ХТБ га қарашли 4-Мактаб биносини жорий тамирлаш ишлари

1.2. Танлов охирги киймати 199084825 сўм.

Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1. 3. Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттақўрғон шаҳар ХТБ (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) — танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Каттакургон шахар семуруг кучаси 7-уй.

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлов Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйдаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предменти кийматининг камида 30% фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресуслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; пнлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маьлумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми ( 50 фоиздан кам булмаган холда); Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предменти булган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш ), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий —хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар ”Буюртмачм” ва ”Иштирокчи” узбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

- Техник таклиф, фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериши мумкин;
- Такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда элон килинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси Йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6,2. Харид комиссияси давлат харидлари бУйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни халикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Еолиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибдадавлат буюртмачиси билан Урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

# 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хаяли. Товарни (ишни,хизматни) Узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда курсатилган ахборот Узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисида эълонга Узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бУлса, ушбу суровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-махиятини Узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юболишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бУйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилди.